

1. Пружинали маятникнинг тебраниш даври 4 с. Пружинанинг бикрлиги 4 марта камайтирилди. Маятникнинг тебраниш даври нимага тенг бўлиб қолади (с)?

- A) 16 B) 8 C) 4 D) 2

2. Агар кислород молекулаларининг ўртача квадратик тезлиги 800 м/с концентрацияси $2,2 \cdot 10^{24} \text{ м}^{-3}$ кислороднинг идиш деворларига берадиган босимини (кПа) топинг? $\mu=32$ гр/моль, $N_a=6.02 \cdot 10^{23}$ моль⁻¹

- A) 24,95 B) 18,45 C) 2,49 D) 8,45

3. Массаси 0,5 т бўлган 6 м узунликдаги қувур ерда ётибди. Уни бир учини 5 м кўтариш учун қандай иш (кЖ) бажариш керак?

- A) 16 B) 12,5 C) 10 D) 25

4. Автомобил манзилгача бўлган йўлнинг биринчи ярмини 36 км/соат тезлик билан, иккинчи ярмини 54 км/соат тезлик билан босиб ўтди. Унинг ўртача тезлиги (м/с) қандай?

- A) 55,5 B) 67,5 C) 20 D) 12

5. 10⁰ С ҳароратли 30 л сувга 50⁰ С ҳароратли 50 л сув аралаштирилди. Аралашманинг ҳароратини топинг?

- A) 35 B) 32 C) 26 D) 30

6. Жисм ҳаракати $x=20+8t+3t^2$ тенглама билан ифодаланади. Агар жисм массаси 8 кг бўлса 4 с дан кейин унинг импульси қанчага (кг м/с) га ўзгаради?

- A) 120 B) 192 C) 284 D) 122

7. 1 м/с тезлик билан ҳаракатланаётган велосипедчи тепаликдан 0,3 м/с² тезланиш билан пастга тушмоқда. Агар велосипедчининг тушиши 10 с давом этган бўлса, унинг тепалик этагига етгандаги тезлигини (м/с) ва босган йўлини (м) топинг.

- A) 4 ва 25 м B) 5 ва 27 C) 4 ва 36 D) 8 ва 25

8. Арқонга 50 Н куч билан таъсир қилиб қўзғалувчан блок ёрдамида массаси 7 кг бўлган миҳ солинган яшиқ қурилади бинонинг бешинчи қаватига кўтарилди. Қурилманинг ФИК (%) ни ҳисобланг?

- A) 120 B) 80 C) 60 D) 70

9. Массаси 1 т бўлган автомобил 4 секундда тезлигини 15 м/с дан 20 м/с га оширди. Автомобилнинг тортиш кучини аниқланг. Қаршилиқ кучини ҳисобга олманг.

- A) 1500 B) 1250 C) 1200 D) 1000

10. 1,8 г массали сувда нечата молекула бор? $\mu=18$ г/моль, $N_a=6 \cdot 10^{23}$ моль⁻¹

- A) $6 \cdot 10^{22}$ B) $6 \cdot 10^{23}$ C) $5 \cdot 10^{22}$ D) $5 \cdot 10^{23}$